Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

20 февраль 1972 йил, якшанба ✦ № 43 (15.214). ✦ Баҳоси 2 тийин.

УРУҒЧИЛИК — ДЕҲҚОНЧИЛИК АСОСИ

Деҳқончилик асосан уруғчиликдан бошланади. Уруғ заминнда саноат хом ашёси, халқнинг ризқи-рўзи, Ватан қудрати манфаатлари ётади. Навли уруғлик келаси йиллар мўл ҳосилига яратилган заминдир. Уруғчилик сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишдир.

Республика партия ташкилоти раҳбарлигида дон-дуккакли, сабзавот ва озуқабоп экинлар уруғчилигини яхшилаш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Селекциячи олимлар, уруғшунослар, етук мутахассислар, бободеҳқонлар бу умумхалқ ишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Натижада кейинги йилларда республикамизда буғдой, арпа, шоли, маккажўхори, оқжўхори, мош, нўхот, нут, сабзавот ва озуқабоп экинлар маҳсулотлари етиштириш, давлатга сотиш кўпайди, уларнинг сорти яхшиланди, янги навлар бунёдга келтирилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Кўпчилик хўжаликлар ўзини — сараланган, районлаштирилган, юқори кондицияли уруғлар билан таъминлаши туфайли деҳқончилик маданияти юксаляпти, ҳосилдорлик кўтарилляпти.

Бироқ, қатор область ва районларнинг партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, илмий муассасаларнинг ходимлари уруғчилик иши билан қониқарли шуғулланмаётирлар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари, уларнинг жойлардаги органлари, «Главсредазирсовхозстрой» жойларда уруғчилик ишини яхши ташкил этмаётирлар, хўжаликларни навли уруғликлар билан таъминлаш чораларини кўрмаётирлар, давлатга сараланган, навли, районлаштирилган уруғлик етказиб бериш планларини бажармаётган, бу борада эгасизликка йўл қўяётган хўжалик раҳбарларига нисбатан қаттиқ чора кўрмаётирлар. Натижада республика бўйича навли уруғлар тайёрлаш планлари бажарилмай иттифоқ ташкилотларига давлат фондидан навли уруғлик ажратишни сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлиняпти.

Давлат страхование фондига бошоқли экинлар ва шоли уруғи топшириш планлари бажарилмаяпти. Бу муҳим ишнинг кафилини олган 34 та уруғчилик хўжалиги навли уруғликлар тайёрлаш, белгиланган топширириқларни бажаришнинг уддасидан чиқмаяпти. Натижада ҳар йили республика бўйича 250 минг гектардан кўпроқ майдонга районлаштирилмаган арпа ва буғдой уруғлари экилмоқдаки, бу ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлаётир. Самарқанд областининг хўжаликлари кейинги уч йилда умумий галла майдонининг фақат 39-77 процентига ўзларида етиштирилган бошоқли экинлар уруғи экиб, қолган қисмига давлат омборидан навли уруғлик олди. Бундай кўрсаткич Сирдарё областида 35-85, Қашқадарё областида 55-90 процентни ташкил этди. Шуниси ачинарлики, бу областларда биринчи ва иккинчи класс уруғлик 15-20 процентдан ошмаяпти.

Тозаланиб сараланган, стандартга мос ҳолга келтирилган навли уруғларгина юқори ҳосил беради. Лекин уруғларни тозалашга етарли аҳамият берилмаётир. Оқибатда галлазорларда бегона ўтлар кўпайиб, донинг сифатига ҳалал етяпти, уруғнинг сорти бузиляпти. Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари бу борада талабчанликни кучайтирмаяпти. Навли уруғларни сақлашдаги масъулиятсизлик, бепарволик ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. Давлатга топширилган, уруғлик сифатида фойдаланиш назарда тутилган бошоқли, дукканли экинларнинг дони ҳар доим давлат стандарти даражасида бўлиши ва сақланиши шарт.

Қорақалпоғистон автоном республикасининг шоликорлари партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган жуда катта моддий-техника ёрдамига таяниб, шоличиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар, шоли етиштиришни кўпайтириб, план ва мажбуриятларни бажармоқдалар. Аммо навли шоли уруғи тайёрлаш, давлатга сотишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Автоном республика 1969 йилда шоли тайёрлаш планини 116 процентдан ошириб бажарган ҳолда, уруғлик жамғариш топширигини 87,8 процент адо этди, холос. 1970 йилда эса районлаштирилган уруғлик жамғариш плани 56,9 процентда қолиб кетди. 1971 йилги кўрсаткич ҳам шунинг атрофида бўлди. Бунинг оқибати яхши бўлмади, шоликор хўжаликлар давлат фондидан 1969 йилда 1582 тонна, 1970 йилда 1889 тонна, 1971 йилда эса 3473 тонна уруғлик шоли олишга мажбур бўлди.

Кўпчилик областлар ва районларда сабзавот, полиз, озуқабоп экинлар, хусусан беда ва картошка уруғчилигини яхшилаш талаблар даражасидан орқада қоляпти. Натижада ҳосилдорлик кўтарилмаяпти, Маккажўхорининг навли ва гибрид уруғини кўпайтириш билан етарли шуғулланилмаяпти. Республикада 35 хўжалик маккажўхори ва оқжўхорининг шундай навларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Бироқ бу хўжаликлар ўз олдига қўйилган вазифани бажара олмаяпти. Уруғлик етишмаслиги орқасида ҳар йили бошқа жойлардан 2000 тоннадан зиёд районлаштирилмаган уруғлар ташиб келтиришга мажбур бўлиняпти.

Сурхондарё области бўйича кейинги йилларда маккажўхорининг гибрид навлари уруғини тайёрлаш топшириқлари муттасил бажарилмаяпти. Шунга қарамай, область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ихтисослаштирилган маккажўхорикор хўжаликлар ташкил қилмаяптилар, давлатдан олинган уруғлик маккажўхорининг ҳосилдорлигини ошириш чораларини кўрмаяптилар.

Озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун аввало уруғчилик ишини яхшилаш керак. Бу муҳим иш билан 67 та хўжалин шуғулланади. Лекин уруғ миқдори озлиги, сифати пастлиги учун ҳосил ҳам шунга яраша паст бўляпти.

Баъзи жойларда ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда мош, нўхот, нут, ловия майдонлари қисқартириб юборияпти, озуқабоп лавлаги ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилмаяпти. Ваҳолонки, бу экинлардан аҳоли истеъмоли учун энг кўп ва тўйимли маҳсулотлар олинади, чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланади.

Уруғчилик давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Партия ташкилотлари бу иш билан муттасил шуғулланишлари, навли уруғлар тайёрлаш ва давлатга сотиш планларининг бажарилишини назорат остига олишлари лозим. Уруғчилик хўжаликлари, уруғ етиштирувчи деҳқонлар орасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, социалистик мусобақани кенг кўламда авж олдириш партия ташкилотларининг муҳим бурчидир.

ИШЧИ СИНФИГА ШАРАФЛАР

Ишчи! Нақадар фахрли ва шарафли ном бу. Ахир, қудратли саноатимизнинг суянган тоғига — саноқатли ишчисига айланишни ким истамайди дейсиз. Унинг олмосдек серқирра истеъдоди ва яратувчилик қобилиятига тан берасан киши. Оддий бино пойдеворини қўйишдан бошлаб то космосни забт этувчи мислсиз мураккаб қурилмали фазокорлик техникаларини ишлаб чиқаришгача — ҳаммаси шу ишчи номи билан боғлиқ.

Мутал Ғуломовнинг фахрли ишчилар синфи сафида ишлаётганига ҳам қарийб 30 йил бўляпти. У Тошкент экскаватор ремонти заводида ускуналарни созловчи бўлиб ишлаётир. Мутал Ғуломов фидокорона меҳнати туфайли обрў-эътибор топди. КПСС аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу меҳнатсевар ишчи корхона партия бюросининг аъзоси ҳамдир.

У киритган ўнлаб рационализаторлик таклифлари завод тараққиётига олтин пиллапоя бўлиб қўшилди. Берилган топширириқларни ҳамиша аъло даражада бажараётганлигидан корхона коллективи ундан чексиз миннатдор.

Суратда: ишчи номини ҳамиша улуғлаб келаётган Мутал Ғуломов.

И. Глауберзон фотоси.

Д. А. КУНАЕВГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 18 февралда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевга Ленин ордени билан «Урӯқ ва Болға» олтин медалини топширди. Ўртоқ Д. А. Кунаевга Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

Н. В. Подгорний Д. А. Кунаевни юксак мукофот билан самимий ва астойдил табриклади.

Д. А. Кунаев ўз меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди ҳамда ўзимнинг бутун куч-ғайратимни бундан кейин ҳам Коммунистик партия, совет халқи ишига бағишлайман, деб ишонтирди.

(ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙ ЖАК ДЮКЛОГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРДИ

Халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Жак Дюкло Ленин ордени билан мукофотланди. У туғилган кунига етмиш беш йил тўлганлиги муносабати билан, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат учун қилган катта хизматлари, коммунизм ишига, Октябрь ғояларига астойдил садоқати, тинчликни мустаҳкамлашда, Совет Иттифоқи билан Франция халқлари ўртасидаги дўстликни ривожлантириш учун курашда актив қатнашганлиги учун Совет Иттифоқининг шу олий мукофотига сазовор бўлди.

18 февралда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Кремлда Жак Дюклога Ленин ордени топширди. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА-20» СТАНЦИЯСИ ОЙ АТРОФИ ОРБИТАСИДА

«Луна-20 автомат станциясининг парвози давом этмоқда. Ер—Ой трассаси бўйлаб учиш давомида станция билан мунтазам радио алоқа сеанслари ўтказилиб турилди. Шу сеанслар вақтида ҳаракат траекториясининг параметрлари ўлчаб борилди ҳамда станция ичига ўрнатилган система. лар ва агрегатларнинг аҳволи текширилди.

Автомат станцияни Ой атрофи фазосида белгилаб қўйилган районга чиқаришни таъминлаш учун 15 февралда парвоз траекторияси тўғриланди.

18 февраль куни станция Ойга яқинлашиб учиб бораётган пайтда станцияга тормоз берилди, натижада у доирасимон селеноцентрик орбитага ўтди. Шундан кейин унинг параметрлари қуйидагича бўлиб қолди:

— Ой юзаси тепасидаги баландлиги — 100 километр;

— Ой экватори текислигига оғиши — 65 градус;

— Ой атрофида айланиш даври — 1 соату 58 минут;

—телеметрия ахбороти маълумотларига қараганда станцияга ўрнатилган ҳамма системалар нормал ишлаяпти.

Олис космик алоқа маркази станция билан барқарор радио алоқа қилиб турибди. Координациллаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

«МАРС-2» ВА «МАРС-3» АВТОМАТ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ

ОЛИС КОСМИК АЛОҚА МАРКАЗИ. 18 февраль. (ТАСС). Марснинг совет автомат йўлдошлари планета атрофидаги орбиталарда ишлашни давом эттирмоқда. 18 февралгача «Марс-2» станцияси планета атрофини 111 марта, «Марс-3» станцияси эса 6 марта айланиб учди. Марс йўлдошлари билан мунтазам радио алоқа сеанслари ўтказиб турилибди. Ҳозирги вақтга келиб Ер билан Марс ўртасидаги масофа 244 миллион километргача етганлигига қарамай, автомат станциялар билан барқарор алоқа қилиниб турибди. Радио алоқа сеансларида станцияларнинг траекториялари ўлчанмоқда, борт системаларининг иши тўғрисидаги телеметрик ахборот ва станцияга ўрнатилган тадқиқот аппарати ёрдамида олинган илмий ахборотлар қабул қилинмоқда.

1972 йил 22 январдан 18 февралгача ўтган даврда «Марс-2» ва «Марс-3» космик аппаратларидан туриб, планета юзасидаги ва планета остки қатламидаги ҳароратни ўлчаш давом эттирилди, планетанинг рельефи ўрганилди, Марс атмосферасиннг ва планета атрофидаги космик фазонинг характеристикаси аниқланди.

Шу даврда олинган маълумотлар чанг бўрони тугаганини кўрсатади. Планета юзасининг ҳарорати атмосфера тиниқ бўлган вақтда кутилган даражага етди, спектрнинг қизил ва яқин инфра қизил соҳаларидаги планета юзаси деталлари аниқроқ кўрина бошланди.

Радио ёрқинлик ҳарорати ўлчаб кўрилганида, планета юзасидан бир неча ўн сантиметр чуқурликдаги ҳарорат кечаю кундуз бир хил даражада эканлиги маълум бўлди. Радио ёрқинлик ҳароратининг кенгликларга тақсимланиши шундай чуқурликдаги ҳароратнинг мавсумий ўзгариши планета юзасидаги ҳароратга нисбатан анча кам эканлигидан далолат беради. Олинган маълумотлар Марс замини иссиқликни жуда кам ўтказишини кўрсатади.

Марснинг сунъий йўлдошлари планетанинг нариги томонига ўтиб кетган вақтда унинг атмосферасини радио ёрдамида ёритиш методи билан тадқиқ қилиш соҳасидаги экспериментлар ўтказилди. Ерда қабул қилиб олинган сигналларни ишлаб чиқиш натижасида Марс атмосферасидаги босим баландликка боғлиқ эканлигини аниқлаш мумкин бўлди. Шу билан бирга планета юзасининг ўлчов ўтказилган районларидаги босим 4-8 миллибар атрофида экан.

Марс ионосферасининг чегаралари аниқланди. Унинг қуйи чегараси 80-110 километр баландликдан ўтади. Баландлик ортиши билан электронларнинг тўпланиши жуда кўпаяди, сўнгра аста-секин камайиб боради.

Марснинг юқори атмосферасига ёйилган ультрабинафша нурларни ўлчаш маълумотларига қараб атомли водород ва кислород йўлларининг интенсивлиги баландликка боғлиқ эканлиги аниқланди. Водород йўлидаги нурлар 2000 километр чамаси баландликкача қайд этиб борилди, шу баландликда бу нурлар планеталараро муҳит фонидаги даражадан икки баравар ортиқ. Атомар кислород йўлидаги нурлар салкам 800 километр баландликкача кузатиб борилади. Утказилган ўлчовлар водород ва кислород атомларининг тўпланиши Марс юзасидан қанчалик баландликка боғлиқ эканлигини аниқлаш имконини берди.

Марснинг сунъий йўлдошлари ёрдамида илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

ТЕХНИКА ТАХТ

АНДИЖОН районидаги Калинин номли колхоз механизаторлари 20 та ҳайдов ва 46 та чопиқ тракторини мавсумга шайлаб қўйдилар. Бошқа агрегатлар ремонти ҳам тугалланди. Ремонт ишида К. Ҳайдаров, Ж. Тожиматов, Т. Турсунов каби механизаторлар кунлик топширикни 120—130 процентдан бажардилар.

ЧОРВАДОРЛАР АҲДИ

ОҚДАРЁ районининг чорвадорлари қишловни бехатар ўтказяптилар. Айни кезда маҳсулот етиштиришни кўпайтиряптилар. Шу кунгача давлатга 256 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти топширилди. Бу муваффақиятга «Гулистон», «Ўзбекистон» ва Энгельс номли колхозларнинг чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

ИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

СИРДАРЁ. Райондаги Ильич номли колхоз йиллик гўшт тайёрлаш планини бажарди. Давлатга салкам 50 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти топширилди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 432 килограммни ташкил этди. Чорвадорлар пландан ташқари 20 тонна гўшт тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

СУТ ЧАШМАСИ

«МАДАНИЯТ» колхозида (Бухоро райони) сут етиштириш кўпайтириляпти. Утган йили ҳар бош сигирдан 2800 литрдан сут соғиб олинди. Бу йил 3 минг литрдан сут соғиб олиш кўзда тутиляпти. Сигир соғувчилар биринчи квартал планини бажариш арафасида турибдилар.

УЧ СОВЛИҚДАН — ЎН ҚЎЗИ

ФАРҒОНА районидаги Ленин номли колхозда совлиқлардан эгиз қўзи олиш кўпайяпти. Шоймкул Шониёзов отаридаги уч совлиқ ўнта қўзи туғди.

ЖОНКУЯР ЧЎПОН

Темур Тўхтаевни ҳамма шундай деб атайди. У бу йил отаридаги 450 бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 200 тадан қўзи олишга аҳд қилди. Отарда совлиқлар кўзилай, бошлади. Бойсун районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида бундай жонкуяр чўпонлар кўп.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ

«УЗПТИЦЕПРОМ» ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ, ПАРРАНДАЧИЛИК СОВХОЗЛАРИ, ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК ПАРРАНДА ЗАВОДЛАРИ, ИНКУБАТОР ПАРРАНДАЧИЛИК СТАНЦИЯЛАРИ ИШЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Узптицепром» паррандачилик фабрикалари, паррандачилик совхозлари, давлат наслчилик паррандa заводлари ва инкубатор паррандачилик станцияларининг меҳнаткашлари СССР тузилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, тўққизинчи беш йиллик ва 1972 йилги план топширириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳамма куч-қувватларини сарфляяптилар.

Паррандачилик саноатининг ходимлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида 285 миллион дона — 1971 йилдагидан 73 миллион дона кўп ва 1972 йилги пландан 15 миллион дона кўп тухум олишни мўлжаллаяптилар. 6,7 минг тонна ёки бултургидагига қараганда 1,5 баравар кўп парранда гўшти етиштирилади. Давлатга 242 миллион дона — пландагидан 60 миллион дона кўп тухум, 5 минг тонна, шу жумладан пландагидан ташқари 764 тонна гўшт сотишга қарор қилинди. Ҳар бир товуқдан тухум олиш 180 донагача етказилади.

Беш йиллик мобайнида пландаги 1 миллиард 670 миллион дона ўрнига 2 миллиард 110 миллион дона ёки беш йиллик планда кўзда тутилганидан 440 миллион дона кўп тухум, пландаги 45,3 минг тонна ўрнига 53,8 минг тонна парранда гўшти етиштириш мўлжалланади. Бу гўшт миқдори беш йиллик пландагидан 8,5 минг тонна кўпдир. 1975 йилда 700 миллион дона ёки 1970 йилдагидан 4 баравар кўп тухум етиштирилади. Парранда гўшти эса 18 минг тонна ёки 1970 йилда етиштирилганидан 4,9 баравар кўп бўлади.

Давлатга тухум ва парранда гўшти сотиш юзасидан тўққизинчи беш йиллик топшириғи 4,5 йилда бажарилади. 1975 йилда 1000 та тухум етиштиришга сарфланадиган озуқа бирлиги планда кўзда тутилган 3 центнер ўрнига 2,6 центнерга қадар қисқартирилади. Етилган паррандани сақлаб қолиш пландагига нисбатан 1 процент ва жўжаларни сақлаб қолиш 2 процент яхшиланади.

Фан-техника тараққиёти тадбирларини ва янада такомиллаштириш технологиясини бундан буён ҳам жорий этиб бориш асосида беш йиллик мобайнида паррандачиликда меҳнат унумдорлиги пландаги 37 процент ўрнига камида 45 процент оширилади.

Фарғонадаги 2-паррандачилик фабрикасининг коллективи юксак социалистик мажбурият олди. Фабрика беш йил мобайнида ялпи тухум етиштиришни пландаги 218 миллион дона ўрнига 237 миллион донагача, парранда гўшти етиштиришни 3432 тонна ўрнига 3745 тоннагача етказишга, ҳар бир товуқдан олинадиган тухумни пландаги 210 дона ўрнига 215 донагача етказишга, пландагига нисбатан маҳсулот таннархини камида 10 процент камайтиришга ва меҳнат унумдорлигини 10 процент оширишга, етилган парранда ва жўжаларни сақлаб қолишни яхшилашга, камида 8 миллион сўм, бултургидагига қараганда 5,3 баравар кўп фойда олишга қарор қилди.

Зиммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқ учун беш йил мобайнида паррандачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириб, тухум қиладиган товуқларни 2,9 миллион дона кўпайтириш, шу жумладан, мавжуд паррандахоналарни реконструкция қилиш ва паррандаларни лйдоқ боқишдан қафасда боқишга ўтказиб 1280 минг ўрин ва янгитдан очиладиган паррандачилик фабрикалари ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига 1620 минг ўрин вужудга келтириш мўлжалланади.

«Узптицепром» коллективи фан ютуқларини ва паррандачилар илғор тажрибасини сабот билан жорий этиб боради, ишлаб чиқариш процессларини тўла комплекс ҳолда механизациялаштиради, оддий ва дурагай парранда етиштиришга ўтишни поёнига етказади, парранда боқиш технологиясини янада такомиллаштиради ва 1975 йилга бориб система бўйича ҳар бир товуқдан ўрта ҳисобда ками 200 тадан тухум олади, ҳар бир хўжаликда зооветеринария ишини ташкил этади ва яхши йўлга қўяди, рацион сифатини, парранда соғлигини ва хоналардаги микроиқлимни ҳар кун назорат қилиб боради.

ИЛМИЙ-МЕТОДИК КОНФЕРЕНЦИЯ

18 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий-методик конференциясида КПСС XXIV съезди керорлари асосида халқ университетларини ривожлантиришнинг асосий йўллари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг раиси, республика Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов конференцияни очди. Халқ университетлари республика кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев асосий доклад қилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 20 та ҳар хил профилдаги 1309 та халқ университети ишлаб турибди. Бу университетларда 140 минг киши ўз билимини оширмоқда. Бу тингловчиларнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ишчилар, керийб ўшанча қисмини колхозчилар ташкил этади. Жамоатчилик асосида ишлаётган ана шу ўқув юртларида машғулотларни олимлар, мутахассислар, ўқитувчиларнинг катта отряди ўтказмоқда.

Бир қанча министрликларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг вакиллари халқ университетларига кўмаклашувчи кенгашларнинг иши тўғрисида, шу университетларнинг ишини такомиллаштиришда касаба союзлар, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг иштироки ҳақида ахборот бердилар.

Техника тараққиёти, иқтисодий, қишлоқ хўжалик ва педагогика билимлари, турмуш маданияти, меҳнаткашларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш бўйича энг яхши халқ университетларининг ректорлари ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Конференция халқ университетларини янада ривожлантириш проблемалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқди. Машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, ижтимоий-сиёсий билимлар, техника тараққиёти, иқтисодий профилдаги университетларни, педагогика асосларини, медицина, совет ҳуқуқи ютуқларини пропаганда қилувчи университетларни кўпайтириш кўзда тутилади. Ҳар бир район марказида халқ университетлари ташкил қилиш, корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда шундай университетларнинг шохобчаларини кенгайтириш мўлжалланмоқда. (ЎзТАГ).

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

СССРдаги энг жанубий Термиз уйсозлик заводи қурилишда асбоб -ускуналар монтаж қилина бошланди. Йилига 35 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхона керамзит бетондан деворбоп панеллар, том ёпиладиган плиталар, устунлар ва бошқа қурилиш деталлари тайёрланган булади. Бу деталлардан уй-жой биноларигина эмас, касалхоналар, мактаблар, болалар боғчаларини ҳам монтаж қилиш усулида қуриш мумкин.

Қурувчилар заводнинг биринчи навбатини муддатидан уч ой аввал шу йил 1 июлгача ишга тушириш мажбуриятини олдилар.

ИСЛОҲОТ САМАРАСИ

Трестимиз бултур январь ойидан бошлаб планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлай бошлади. Ўтиш давригача катта тайёргарлик ишлари олиб борилди, албатта.

Коллективимиз саккизинчи беш йиллик топшириқларини 1970 йил 5 январидаёқ адо этиб, планга қўшимча равишда 6300 квадрат метр турар-жой, 1752 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари ва бошқа муҳим объектларни фойдаланишга топширди. Ўтган йили эса иккинчи ва учинчи кварталларда Иттифоқимиз бўйича социалистик мусобақада биринчи ўринни эгалладик.

Бу муваффақиятларнинг асосида ишлаб чиқариш ва бошқаришни илмий асосда такомиллаштириш ётади. Ўй-жой бинолари қурилишида поток графиги қўлланилмоқда. Бригадаларни прогрессив асбоб-ускуналар ва мосламалар билан таъминлаш бўйича технологик карталар ишлаб чиқилиб, амалда жорий қилинди. Ишлаб чиқариш — технологик комплектлаш ва диспетчерлик хизматини такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Қурилиш материалларини марказлашган усулда график асосида ташиш жорий этилди. Объектларда асосий материаллар ва конструкцияларни комплектлаш ишлари яхши бажарилди. Бетон ва қоришмалардан қурилиш объектларида фақат механизациялашган усулда, қатъий график асосида фойдаланилди. Булардан ташқари ғиштлар конвейер усулида корхонадан қурилиш майдонига ташиб келтирилмоқда. Объектларда тармоқ графиги ҳам кенг қўлланилмоқда.

Қурилишни индустриалштириш ва кўпгина қурилиш материаллари ва конструкцияларини заводнинг ўзидаёқ комплектлаш даражаси ошиб бормоқда. Бунга асосий эътибор берилаётгани яхши бўлмоқда. Трестимиз коллективи йирик ҳажмли бинокорлик материаллари ва блоклардан фойдаланиш топшириғини доимо ошириб адо этмоқда.

Трестнинг йиғма темир-бетон буюмлари заводи қисқа вақт ичида маданий-манший ва турар-жой бинолари учун янги детал ва конструкциялар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Балкон плиталари, зина майдончалари заводдан тайёр ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Марғилондаги «Атлас» фирмасининг янги бинои қурилишида ўртоқ С. Аҳмадхонов бошлиқ монтажчилар бригадаси бултур бирнеча минг куб метр йиғма конструкцияни монтаж қилди. Ҳар бир ишчига бир кунда 3,5 куб метр йиғма конструкцияни монтаж қилиш тўғри келди. Фақатгина шу бригада бўйича 400 киши-куни тежаб қолинди.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси ўтган бир йил ичидаёқ яхши самаралар берди.

Қурувчиларимиз ва монтажчиларимиз меҳнат унумдорлигини ошириш, фойда олиш топшириқларини ҳам ошириб адо этишяпти.

Мўлжалдагидан анча кўп турар-жой бинолари қурдик. 47 та энг муҳим объект фақат аъло ва яхши баҳога топширилди. 1104 ўқувчига мўлжалланган мактаб муддатидан тўрт ой олдин аъло баҳо билан фойдаланишга топширилди. Бу мактаб зилзиладан зарар кўрган Қирғизистон ССР Тўп райони қишлоқларидан бирида қардошлик ёрдами тарзида қуриб берилди.

Фарғонада 600 ўқувчига мўлжалланган музика мактаби, «Главпочтамт» бинолари фойдаланишга топширилди. Фарғона, Чимён, Чодакда болалар боғчалари қад кўтарди. «Мўйнқ» совхозида 600 ўқувчи учун мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Булар ҳаммаси трест коллективининг фидокорона ва самарали меҳнати натижасидир.

Қурилишда қўл меҳнатини механизациялаш ва илғор технологияни жорий қилиш давом этмоқда. Монолит конструкцияларни универсал блокли тахта пойдевори билан бетонлаштириш ишни бирмунча енгиллаштиради. Масалан, ўртоқ Р. Бебер бошлиқ комплекс бригада «Атлас» фирмасида ана шу усулда бир ярим минг куб метр бетон ётқизган эди. Бунинг натижасида уч юз ишчи-куни тежаб қолинди. Монолит конструкцияларни инвентар тахта билан бетонлаштириш ҳам кенг қўлланилмоқда. Булардан ташқари кўпдан-кўп янги методлар жорий қилиняпти. Линолеумни полга ярим автоматик мослама ёрдамида пайвандлаш, қувур ўтказиш учун деворларни механизациялашган усулда пармалаш, суваш ишларини механизациялаштириш шулар жумласидандир.

Янги техникани жорий қилиш трестимизга катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Рационализатор ва ихтирочилар меҳнатни илмий ташкил этишда катта ёрдам кўрсатишмоқда.

Кадрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Чунки янги техникани жорий қилиш, қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш учун кадрларнинг савиясини кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бултур мингга яқин ишчининг малакаси оширилди. Бирнеча юзлаб янги ишчилар тайёрланди. Кўп кишиларга бир йўла бирнеча касбни эгаллашлари учун яқиндан ёрдам берилди. Илғор тажриба мактабн муваффақиятли ишлаб турибди. Бултур ўнга яқин ана шундай мактабларда бирнеча юз қурувчи таълим олди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни янги системасига ўтилгандан кейин меҳнатни илмий ташкил этишнинг 22 та плани ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Бу жуда катта иқтисодий самара келтирмоқда.

Ҳозир 38 та қурилиш бригадаси хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Улар кўплаб қурилиш материалларни тежаб қолишга эришишяпти. Қисқа вақт ичида 10 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш материалларини тежаган ана шу бригадаларга 4,5 минг сўм мукофат берилди.

Комплекс бригадалар тузиш тобора оммавийлашиб бормоқда. Трестимиз бригадаларининг 82 процентга яқинини комплекс бригадалар ташкил этади. Аккорд ва аккорд-мукофотли ҳақ тўлаш, ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш системалари ҳам яхши натижа беряпти. Аъло сифатли иш бажаргани учун қурувчилар доимо рағбатлантириб борилмоқда. Квартал топшириқларини бажарганликлари ва объектларни ўз муддатида фойдаланишга топширганликларини ҳисобга олиб бериладиган мукофотлар 13 процентни ташкил этади.

Қурилиш чегара билмайди. Ўқанча кўп механизациялаштирилса янги техника қанча кўп қўлланилса, янги усуллар жорий этилаверса, объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш имкони туғилаверади, тежамкорликка кенг йўл очилади, қурувчилар меҳнати ҳам осонлашади.

Трестимиз коллективи олдида беш йилликнинг иккинчи йилида катта вазифалар турибди. Белгиланган объектларни муддатида ишга тушириш учун вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Қишнинг шу совуқ кунларида ҳам қурувчилар масъулиятни чуқур ҳис этиб мардонавор меҳнат қилишяпти. Уларнинг бу ҳалол ва фидокорона меҳнатини муносиб тақдирлашга интиляпмиз. Моддий манфаатдорлик ва ўз бурчини ҳис этиб ишлаш қурилишнинг суръат ва сифатини тинмай кўтариб бормоқда.

В. ЗАХАРОВ,
Фарғонадаги 14-қурилиш трестининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи.

Нукус полиграфия комбинатида 20 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Қолжон Реимбоева ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша ошириб адо этишга ҳаракат қилади. Унинг фидокорлигидан корхона коллективи чексиз миннатдор. Юқоридаги суратда Қ. Реимбоева. «Метрогипротранс» лойиҳалаш ташкилотининг бир группа мутахассислари Тошкент метрополитени қурилишида иштирок этиш учун бу ерга келишди. Пастда ги суратда, Тошкент метроси қурилишига ўз ҳиссасини қўшиш учун келган лойиҳачилар — Тошкент метроси лойиҳасининг бош инженери Г. Огаесов, инженерлар В. Горбунов ва Ю. Горанский ўртоқлар метро ишчи чизмаларини муҳокама қилишяпти.

Р. Саидов ва И. Глауберзон фотолари.

МЕДИЦИНА КОМПЛЕКСИ

ТОМДИ. (ЎзТАГ). Район марказининг янги поселкасида медицина комплекси қуриб битказилди. Бу ерда — болалар шифохонаси, терапия, хирургия, юқумли касалликлар бўлимлари ва туғруқхона бўлган 120 ўринли касалхона, кунига 250 кишини қабул қиладиган поликлиника ва санитария эпидемиологик станцияси бор. Даволаш кабинетлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Ахборот

«СУРХОНДАРЁ СУРИ»

Юрий Гагарин номли давлат наслчилик заводи Шўрчи районидаги кенг яйловларда кўп йиллардан буён қоракўлнинг хилма-хил навларини етиштириш билан шуғулланмоқда. Яқинда уларнинг доврўғи яна ортиб кетди. Завод мутахассислари «Жанубий Ўзбекистон», «Сурхондарё сури» деб номланувчи янги навлар яратдилар.

Қоракўлнинг бундай қимматбаҳо навларини яратиш осон бўлмади. Яйловларда товланиб турган қўзиларни алоҳида ихлос билан парвариш қилиш ва улардаги ўзгаришларни муттасил кузатиб боришга тўғри келди. Натижада ҳаво ранг, тиниқ оқ, новвот ранг ва бошқа рангларда жилва беруччи қоракўл навларини етиштириш мумкин бўлди. Бу ерда мутахассислар ижодий меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир қўзи доимий назоратда, уларнинг наслини яхшилаш тадбирлари кўриляпти. Шундай янгиликлар туфайли ўтган йили наслчилик хўжалиги 400 минг сўмга яқин фойда олди.

СЕРБАРГ ТУТЗОРЛАР

Фарғона — республикамиздаги ипакчилик тараққий этган каттакон водий. Ипакчилик зона илмий-тадқиқот станцияси Фарғонада ташкил қилинганлигининг боиси ҳам шу бўлса ажаб эмас. Станциянинг тутчилик бўлими ходимлари ипак қурт озуқасини кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Катта илмий ходим Карим Абдуллаев кўпчиликни қувонтирадиган фикрлар берди.

У областнинг Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз ва Андижондаги «Оқ олтин» совхози далаларида анча вақт тажриба ишлари олиб борди. Натижада ёш олим шўр босган ерларда ҳам тут етиштириш мумкинлигини тасдиқловчи тажриба далилларини тўплади. У ўртача шўр босган ерларда ўсадиган бардошли навларни танлаб олди. Бу навлар ҳозиргача фойдаланиб келинган тутларга қарагандa 1,5-2 баравар кўп барг беради. Ана шундай сербарг тут навлари энди Марказий Фарғона ерларида ҳам экиладиган бўлди.

КЕЧКИ МАКТАБ ТАЛАБАЛАРИ

Ўқитувчилар ўз талабаларининг истеъдодига қараб уларнинг келажакда қайси соҳа мутахассиси бўлиб етишишларини тахмин қила оладилар. Лекин бунда энг муҳими — мактабни тамомлаб чиққан ёшларнинг ўзлари ўз истеъдодларини баҳолай билишлари талаб қилинади. Ғазалкент шаҳридаги Л. Н. Толстой номли кечки ишчи-ёшлар мактаби ташкил топгандан буён бу даргоҳни жуда кўп ёшлар тамомлаб чиқдилар. Шуниси қувончлики, бу кечки мактаб талабалари орасида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун зарур кадрлар анчагина.

Мактаб 25 йиллигини нишонлади. Юбилей кечасида кўпгина ташкилотлар, корхона ва муассасалардан меҳмонлар келишди. Улар шу мактабни турли даврларда тамомлаб чиққан кишилар. Мактаб Улуғ Ватан уруши тамом бўлган йилнинг декабрида ташкил этилган, 1948 йилда уни биринчи марта саккиз киши тамомлади. Кейинги йилларда кечки мактаб талабалари кўпайиб борди. Ҳозир битирувчи синфда 34 йигит-қиз етуклик аттестати олиш учун билим чўққиларини эгалламоқда. Улар шаҳардаги консерва заводи, тош майдалаш комбинати ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари.

Юбилей кечасида сўзга чиққан Ломоносов номли ўрта мактаб директори А. Цтела, математика ўқитувчиси А. Насриддинов, шаҳарнинг бош архитектори В. Китченко ва бошқа ўртоқлар ўзларининг ана шу кечки мактабда таҳсил кўрган йилларини эсладилар, ўқитувчиларга миннатдорчилик билдирдилар, бугунги ўқувчиларни меҳнатсевар, Ватанимиз учун энг зарур мутахассислар бўлиб етишишга чақирдилар.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

журналининг февраль сони «Мусобақа — миллионларнинг меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббуси ва ижоди» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

«СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. Бесчастновнинг «КПСС XXIV съезди Совет давлатини мустаҳкамлаш ва социалистик демократияни ривожлантириш йўллари тўғрисида» сарлавҳали мақоласи берилган.

«Тўқкизинчи беш йиллиннинг иқтисодий проблемалари» деган рубрика остида Узбекистон ССР Госплани қошидаги иқтисодий тадқиқотлар институтининг илмий ходимлари Ҳ. Жўраев, Т. Ҳожиддиновларнинг «Меҳнаткашлар маданий-техникавий савиясининг ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши», иқтисод фанлари кандидати А. Абдуғаниев ва Узбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг аспиранти Р. Маҳмудоваларнинг «Ишлаб чиқариш жамғармаси ва ундан фойдаланиш самарадорлиги» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Журналнинг «Партия турмуши» бўлимида Узбекистон КП Сурхондарё область комитетининг иккинчи секретари В. Кузьмининг «Мусобақа тўғрисида партия ғамхўрлиги» сарлавҳали мақоласи босилган. Шунингдек, журналнинг «Идеология, фан, маданият», «Партия ўқуви системаси пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

журналининг иккинчи сони эса «Коммунистнинг актив қурувчиларини тарбиялаб етиштирайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Журналнинг бу сонида «СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан» рубрикаси остида иқтисод фанлари доктори И. Искандаров ва иқтисод фанлари кандидати А. Ортиқовларнинг «Индустриал Узбекистон», Узбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. Зоидовнинг «Ижодий ташаббусга кенг йўл» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Журналнинг «Хўжаликка раҳбарлик» бўлимида Узбекистон КП Гагарин район комитетининг биринчи секретари Х. Бердиевнинг «Қўриқ ерларнинг истиқболи», Поп район ижроия комитети раисининг ўринбосари И. Имомназаровнинг «Қишлоқ қурилиши — эътибор марказида», Кувасой цемент комбинатининг директори К. Ғаниев ва комбинат партия бюросининг секретари В. Порванларнинг «Асосий йўналишда» сарлавҳали мақолалари ёритилган. Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофуржонов «Комсомол комитетининг жанговар программаси» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

Журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт» бўлимида Узбекистон КП Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари М. Қурбоновнинг «Уроқ билан Болға иттифоқи» мақоласи ва бошқа кўпгина материалларни ўқиш мумкин.

Янги совхозлар

Самарқанд областида иккита янги совхоз тузилди. Бу совхозларга «Уч қаҳрамон» ва «Янгиариқ» деб ном берилди. Картошка етиштиришга ихтисослаштирилган. Бу хўжаликларга олти минг гектарга яқин ер ажратиб берилди.

Янги совхозлар жойлашган тоғ этакларидаги ерларда картошка жуда яхши битади. Бу ерларнинг ёзи салқин бўлгани учун иқлим шароити картошка ҳосилининг мўл бўлишига имкон беради.

* * *

Янгиқўрғон районининг шимолидаги адир ерларда сабзавотчилик билан шуғулланишга ихтисослаштирилган «Ленинизм» совхози ташкил этилди. Бу хўжалик шу йилнинг ўзидаёқ давлатга 6200 тоннадан кўпроқ сабзавот, 240 тонна сут, кўп миқдорда мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериши планлаштириб қўйилди.

АТЕИСТИК ТАРБИЯ КУЧАЙТИРИЛСИН

Партия меҳнаткаш халқ оммасини юксак ғоявийлик, коммунизм ишига садоқатли марксча-ленинча дунёқарашга эга бўлган, ҳар томонлама камолга етган коммунистик жамият кишисини тарбиялаб етиштиришни коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантириш бу вазифанинг муҳим томонларидан биридир. Партия янги кишиларни тарбиялашда, уларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришда марксизм-ленинизм таълимотига тўла амал қилади.

Марксизм-ленинизм табиат ва жамият ривожланишининг объектив қонунларини очиб берувчи, дунёни тўғри тушунтирувчи ва оламни ўзгартириш қуроли бўлган ягона илмий дунёқарашдир. Бу дунёқараш билан қуролланиш, ҳар бир кишига жамиятда тутган ўрнини тушуниб олишни, ҳар гандай ҳаётий «масалаларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлай олишни ва бизни қуршаб олган объектив воқелик ҳақида тўғри фикр юритиш имкониятига эга бўлишни таъминлайди. Бу ўз навбатида социалистик жамиятга зид бўлган, коммунистик жамиятнинг шакланишига тўсқинлик қиладиган ўтмишнинг барча зарарли сарқитларига қарши системали курашишни тақозо қилади.

Меҳнаткаш халқ оммаси ўзининг Ватани, халқ ва давлати олдидаги социалистик бурчни тўғри тушуниб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун астойдил самарали меҳнат қилаётган бир пайтда ҳали ўтмиш сарқитларидан қутила олмаган баъзи кишилар ҳам учраб туради. Баъзан учраб турадиган безорилик, ичкиликбозлик, беодоблилик, дилозорлик, аёлларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш, давлат ва халқ мулкига ғиёнат қилиш каби иллатлар янги кишини тарбиялаш ишига путур етказадиган энг зарарли сарқитлардир. Ўтмиш сарқитларига қарши курашиш партиямиз идеология ишида муҳим ўринни эгаллайди, бинобарин, бу кураш барча оиланинг, мактаб ва олий ўқув юртларининг, жамоат ташкилотларининг ва умуман бутун жамият аъзоларининг бурчидир.

Меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш борасида Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Эскилик сарқитларига қарши курашни жонлантириш мақсадида жамиятнинг илмий атеизмни пропаганда қилувчи методик совети ташкил қилинган. Методик советга малакали мутахассис кадрлар уюшган. Жумладан, фалсафа фанлари кандидатлари М. Усмонов, М. Фаёзов, Н. Эгамбердиев, Х. Умаров, У. Шокиров, А. Орифҳўжаев, Н. Саидов, П. Ҳамидов, тажрибали атеистлардан А. Масолиев, Ю. Короткова, Ғ. Шокиров, М. Горшковичлар методик советнинг энг актив аъзолари ҳисобланади. Улар атеистик пропаганда ишида актив иштирок этмоқдалар.

Шаҳар «Билим» жамияти кейинги вақтда атеистик пропагандага катта эътибор бермоқда. Аҳоли ўртасида хилма-хил темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Айниқса ҳозирги замон табииёт илмий ютуқлари ва космосни ўзлаштириш тўғрисида ўқилган лекциялар тингловчиларда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Ўтган йили илмий-атеизм мавзуида 3054 лекция ўқилди.

Лекциядан сўнг илмий-оммабоп фильмлар кўрсатилади, жойларда атеистик кўргазмалар ташкил этилади. Шаҳар районларида жамиятнинг илмий атеизм секцияси ташкил этилган. Илмий атеизм бўйича халқ университетлари ҳам ишлаб турибди. Киров районидаги «Обод» маҳалласида ташкил этилган халқ университетининг иши мақтовга лойиқдир. Университетда тингловчилар фан ва техника ютуқлари, аҳлоқ ва одоб мавзуларида қизиқарли лекциялар тингламоқдалар.

Илмий-атеистик пропаганданинг самарадорлигини ошириш учун шаҳар «Билим» жамиятига уюшган атеистлар маҳаллаларда, корхоналар ҳамда студентлар ётоқхоналарида савол-жавоб ва тематик кечалар ташкил қилишмоқда. Ана шундай қизиқарли кечалар Киров районидаги «Бодомзор», Октябрь районидаги «Ҳувайдо» каби маҳаллаларда ҳам ўтказилди.

Пропагандистларнинг билим ва малакасини ошириш, сиёсий етук лекторлар тайёрлаш мақсадида Октябрь ва Куйбишев районларида бир йиллик атеист-лекторлар мактаби ташкил қилинди. Шунингдек, ўтган ўқув йилидан бошлаб Тошкент Давлат университетининг этика, эстетика ва илмий атеизм кафедралари базасида ҳам бир йиллик атеистлар тайёрлаш секцияси ишлай бошлади.

Шаҳардаги Фрунзе, Октябрь, Собир Раҳимов районларида лектория, кинолектория ва атеистлар клублари ишлаб турибди. Кинолекторияда фан ва техника, табиат мўъжизаларини пропаганда қилувчи кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

Жамиятнинг атеистик пропагандани йўлга қўйишда айрим камчиликлар ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас.

Малакали атеист кадрларни методик совет ишига жалб этиш ва улардан рационал фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Ёш лектор-атеистлар учун ислом идеологияси ва унинг сарқитларига қарши курашиш масалалари юзасидан ўзбек тилида лекция текстларини тайёрлаш ва тарқатишни системали амалга ошириш керак. Бундай камчилик ва нуқсонларни тугатиш, атеистик пропагандани янада авж олдириш лозим.

А. АБДУСАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар «Билим» жамияти илмий атеизм методик советининг раиси, доцент.

ҚУВОНЧ ВА РАНЖ

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

— Сиз бунга қандай қарайсиз? — сўрадик Тошкентдаги «Октябрь» бозори ёнбошида жойлашган Собир Раҳимов «Райпищеторг»нга қарашли 1-озиқ-овқатлар магазинининг сотувчиси Д. Ризаевадан. У табассум билан ҳеч нарса билмагандек, «уялиқираб» бош эгди.

— Иш бор жойда, камчилик ҳам бўлади дейишган-ку, ахир. Янгишиб, карамелдан бор-йўғи 10 граммгина кам тортибман. Гўшт суяксиз бўлмайди. Шунга ҳам ота гўрию, қозихонами?..

— Магазинда карамель, турли конфет ва бошқа ўнлаб ширинлик билан савдо-сотиқ қиласиз. Карамелнинг, атиги бир туридан ярим килосини синов учун тортганимизда, 10 грамм кам чиқди. Энди, ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Бир кунда кам деганда, карамелнинг бир туридан 100 килограмм сотганингизда, 2 килограмм уриб колган бўласиз. Бир ой ичида хамирдан қил суғургандай 60 килограмм карамель гумдон бўлиши турган гап. Хўш, нега энди 10 граммгина кўпроқ гортмадингиз?

— Ие, сиз жуда қизиқ экансиз-ку. Ундай қилсам, мен уйимни тополмай қоламан, — дея ишини давом эттирди Дилорахон. Гўё шу билан ҳамма гап тамом дегандай. Қилмиши учун кечирим ҳам сўрамади.

Буни кўриб, шу қиздан нарса харид қилганларнинг тоқат-продасига балли, деб турувдик ҳамки, қўшни бўлимда содир бўлаётган бошқа манзара диққатимизни тортди.

Ёш сотувчи Тожихон Абдукаримовадан икки-уч харидор «Шикоят ва таклифлар» дафтарини сўраб қолди. Нима гап экан деб биз ҳам ўша ерга бордик. Шаҳардаги саккизинчи дорихона ходими Муҳиддинова ва болаларнинг етти-нчи шифохонаси врачи Ҳасанбоева ўртоқлар дафтарга сотувчи Тожихон хизматидан, унинг ширин муомаласидан хурсанд эканликларини ёзиб қолдиришди.

Келинг, яхшиси кишиларга қувонч улашаётган Тожихоннинг ҳаракатларини кузатайлик.

...60 ёшлардаги Ойнисабуви Султонхўжаева (Қорақамиш массивидаги 19-уйда яшар эканлар) тегишли нарсалар харид қилмоқ учун тўғри 1-магазинга кирди. Кўрдики, истараси иссиқ, хушчақчақ, дилкаш, чаққон сотувчи қизга кўпчилик навбат кутиб турибди. Шунинг учун у ҳам навбатга турди. Буни ҳушёрлик билан кузатиб турган Тожихон малол келмайдиган бир оҳангда харидорлардан илтимос қилди:

— Сафларингизда навбат кутаётган онахонимизни ўтказиб юборсангизлар. Чунки оёқда узоқ туриш у кишига оғирлик қилади.

Турганларнинг ҳаммаси сотувчини қўллаб, «тўғри» деб маъқуллашди. Ойнисабуви мамнунлигидан унинг юзидаги ажинлари камайиб кетгандай кўринди. Керакли нарсаларни харид қилгач, онахон бир умр танимаган сотувчи қизни «кам бўлма, умрингдан барака топ, она қизим!» деб дуо қилди Бу — хушмуомалалик, ибратли хулқ ва одоб, садоқатли меҳнат эвазига олинган олий мукофот.

Яқинда шаҳримизнинг 4-уй-жой шаҳарчасидаги саноат моллари магазинига жомакор кийган, пешанасида тер томчилаб турган ўрта ёшлардаги бир киши кириб келди. У сотувчидан «камар борми?» — деб сўради. Сотувчи йигит истеҳзо билан унга тикилиб: «Кўзингиз бўлмасаям, пешанангиз бор-ку, акахон» деб кесатди: Шунда ҳалиги киши «менга илмоқли гап қилманг, ука! Янгишган бўлсам янгишгандирман, ўйнаб эмас, ишлаб келяпман» — дея ранжиди.

Сотувчи кечирим сўраш ўрнига тинмай бидилларди:

— Мен ҳам пашша тутаётганим йўқ... Уззу-кун оёқда турибман, — деб меҳнатини пешларди.

Харидор буни эшитиб:

— Бор-э, сендан мол олгунча... — деди-да ҳафсаласи пир бўлиб, магазиндан чиқиб кетди. У жуда каттиқ ранжиган эди. Ҳатто, бемордек ранги ўчиб пешанаси тиришиб, кайфияти ўзгарди. Эҳтимол, шу киши ўша куни уйига борганида ҳам дили ёришмагандир. Сотувчи билан бўлган ана шу дағал муомала оқибатида эртаси ҳам кайфияти жойига келмагандир. Бунинг устига харидор ранжиб мол сотилмай қолди, савдо планига ҳам зарар етди.

Сотувчилик осон иш эмас. Неча ўн минг сўмлик моллар тақдири шулар қўлида. Лекин шу моллларнинг, улар қандай бўлмасин, барчаси инсонга аталган. Шундай экан, сотувчи биринчи навбатда харидорлар билан муомала қила билишни ўрганиши лозим. Ҳар касбнинг ўз гашти ва машаққати ҳам бор. Сотувчилик кўпгина томонлари билан шифокорликка ўхшаб кетади. Магазинга кириб хушмуомалалик билан қилган харидингдан мамнун бўласан. Сотувчининг ширин муомаласидан ажиб кайфият уйғониб, яхши одамлар даврасида яшаётганлигингдан қувонасан. Уйингда ўша молга кўз тушганда, сотувчини яна бир бор яхшилик билан эслаб, кўз олдингдан ўтказасан. Мабодо, бунинг тескариси бўлса-чи? Саломатлиги филдек бақувват одамнинг дилига ҳам бир оғиз сўздан озор етади кайфияти бузилади.

Шифокорлик қанчалик масъулиятли бўлса, сотувчилик ҳам шундай. Одамлар шифокорлар ҳузурига дардига даво истаб боришса, сотувчилар олдига пешана терлари эвазига топган ҳақларига керакли нарсаларни харид қилиш учун борадилар. Яшаш учун ҳар иккаласи ҳам муҳим. Халқ хизматкорлари ҳисобланган ҳар икки касб эгаларининг асосий қуроллари ширин муомала, ширин сўздир.

Ҳ. ЗАИНИДДИНОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ.

ФОТО КОНКУРС: ЎЗБЕКИСТОН-72

БАСТАКОР. (Имомжон Икромов номини ашитмаган, у яратган дилрабо куй ва қўшиқлардан баҳра олмаган киме бўлмаса керак. Кекса бастакор ҳамон кўтаринки илҳом билан ижод нашъасини сурмоқда).

М. Тўйчиев фотоси.

● ЯНГИ НАЗМЛАР
● ШОИРЛАР ИЖОДИДА ҲУР ЗАМОН

● ХАЛҚИМИЗГА МАНЗУР АСАРЛАР ЯРАТАЙЛИК
● ТЎЙҲАТ ЎРНИДА

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ДА

Аёндир бизга ҳар кеч кенг жаҳон асрори экранда,
Ватанда бўлса не-не янгиликлар: бори экранда,
Улуғвор: катта ишлар мужда — хуш ахбори экранда,
Соғинтирган кишилар суҳбати, дийдори экранда,
Билимдон, нуктадонларнинг шакаргуфтори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Мунаввардир ҳамиша хонамиз, рўзғоримиз яшнаб,
Туни кундуз каби равшан эрур, гулзоримиз яшнаб,
Электр қувватидан балки касбу-коримиз яшнаб,
Берур акси жило «Ильич» чироғи, боримиз яшнаб,
Ерушган доҳий Ленин партави анвори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Кўрармиз гоҳ театр, ўлтириб кенг хонадонларда,
Набира тиззада, қизлар йиғитлар икки ёнларда,
Кўнгил сериштиёқ, кўзлар кўриш муштоқи онларда,
«Отелло» бонги янграр катта санъат ошиёнларда,
Севимли «Ҳамза»мизнинг Сора-ю Аброри экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Кезармиз кенг жаҳонни гоҳи «Оламга саёҳат»да,
Ажаб дунё экан: ким ғам чекар, ким айшу роҳатда,
Гўзаллик этса акс нўз ўнгида ҳусну малоҳатда,
Ҳунуклик касб этар бир кимсалар фисқу қабоҳатда,
Утиб бир-бир назардан афти-ю ангори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам, «зангори экран»да.

Қилиб қишни «Баҳор», раққоса қирқ қизлар бўлур меҳмон,
Бири маҳваш, бири хурилиқо, сарвиравон жонон,
Этиб кўзларни шод, дилни асир: чарх ташлашиб ҳарён,
Қилиб ғамза Дилафрўзхон, қилиб юз ишва Қизлархон,
Шу ёшлик, навқиронлик дилбари, дилдори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Кўриб экранда жангни: гоҳ қизиқсанг, гоҳ келур қаҳринг,
Муҳаббат қиссасидан жон ғизо топгай, очиб баҳринг,
Намойиш этса гоҳо гуллаган қишлоғингу шаҳринг:
Яшил қир, мевазор боғ, шўх оқар «обиҳаёт» наҳринг,
Хиёбон, пахта майдон, сой билан анҳори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Десак рост: ўлкамизнинг, йўқ жаҳонда тенгу монанди,
Баҳорнинг нашъаси, ёз меваси, куз ҳосили, томган асал, қанди,
Эли бир жону бир тан, бахтининг эл шоду хурсанди,
Шу эл таърифидир ҳар яхши шеър, ҳар банди пайванди,
Ғулистон — Ўзбекистон васфи бемиқдори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Эшитсанг тебраниб ғаҳ завқ билан, ўлмас мақом бир кеч,
Ҳушилхон, хушнаволар базми бўлмасдан тамом бир кеч,
Гаҳи шўх яллаларга айласанг кўнглингни ром бир кеч,
Чиқиб шеър бошласа бир шоири ширин калом бир кеч,
Бўлиб жўр чангу танбур, най, дутору тори экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Очар юз пахтазор оқ товланиб, ҳар куз — терим чоғи,
Қараб кўз илғамас кенгдир: бу ернинг қайда қирғоғи?
Терим машиналар шай, саф чекиб, муштоғу илҳоғи,
Чаноқлар рамзида деҳқонимиз осмонўпар тоғи,
Келур шону-шарафнинг муҳтасар изҳору экранда,
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

Яратмоқ даври-даврони экан, эл моҳиру қодир,
Нафасда мужжалар зоҳир, қадамда янгилик содир,
Кеча бир даштнинг ўрнида букун бир шаҳр пайдодир,
Тугаймас, қанча ёзсанг ҳур замона таърифин Собир,
Улангай янгиликка янгилик такрори экранда
Замондан ўргилай, не истасам: «зангори экран»да.

БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИГА

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган драматургия ва театр санъатининг Бутуниттифоқ фестивалига ўзбек драматургларининг пьесалари асосида саҳналаштирилган 19 та спектакль тақдим этилди. Булар орасида тарихий-революцион мавзудаги ва замондошимиз ҳақидаги асарлар бор. Ёш томошабинлар театри, «Ёш гвардия» театри ва қўғирчоқ театрларининг ишлари улар орасида катта ўрин олган.

Иззат Султоновнинг «Номаълум киши» романтик фожиаси феодалларга қарши, халқ бахт-саодати учун курашувчи халқ қаҳрамони образини гавдалантиради. Шу драматургнинг бошқа бир асари «Имон» олимлар ҳаётига бағишланган. Асқад Муҳторнинг «Самандар» драмаси ижодкор инженерлар ва ишчилар тўғрисида ҳикоя қилади, бу асар бош қаҳрамоннинг номи билан аталган. Максим Каримовнинг «Райком секретари» пьесасидаги воқеалар қишлоқ ҳаётидан олинган. Ёшларнинг чинакам раҳбари бўлиб қолган қиз—қишлоқ район комсомол комитетининг секретари образи асарнинг марказига қўйилган.

Ўзбек театрлари рус, туркман, қирғиз, озарбайжон, шунингдек монгол, чехословак, венгер авторларининг ўттиз асарини ўз репертуарларига киритганлар. (ЎзТАГ).

ЛЕНИНЧА ПАРТИЯВИЙЛИК УЧУН

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Шиддатли революцион кураш тонгида В. И. Ленин янги туғилаётган пролетар адабиёти ҳақида гапириб, буржуа мафкурачиларининг ҳар қандай сафсатабозликларига қарама-қарши адабиёт партиявийдир, деб қатъий таъкидлаган эди. Бу ленинча таълимотнинг моҳиятини, унинг ҳозирги адабий ҳаракатчиликдаги буюк аҳамиятини ва ҳаётбахш ролини тадқиқ ва талқин этиш профессор Лазиз Қаюмовнинг «Бадиий ижодда ленинча таълимот»1 деб аталган янги китобининг асосий илмий йўналишини белгилайди. Муаллиф адабиётда партиявийлик принципининг асосий хусусиятларини ифодалайди. Партиявийлик ва талант масаласи, партиявийлик ва ёзувчи дунёқараши, ижодий позицияси, партиявийлик ва ижодий индивидуаллик каби масалаларни қисқа, аниқ характерлайди. Ленинча партиявийлик бадиий ижодда буржуа объективизмининг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин зарба беради, ёзувчига кенг ижодий эркинлик уфқларини очади. Коммунистик партиявийликнинг асл моҳияти бадиий ижодни халқ ҳаётини ҳар тарафлама кенг ва чуқур акс эттиришга сафарбар этиш, уни меҳнатташ халқ манфаатига тўла хизмат қилдиришдан иборатдир.

Муаллиф ленинча партиявийлик принципининг халқчиллик моҳиятини сохталаштириш, уни бузиб талқин этиш каби ўринсизларнинг ҳаёт ҳақиқатига зид келиб, барбод бўлганлигини ишонарли далиллар билан кўрсатади.

Адабиёт ҳақидаги ленинча таълимот янги социалистик миллатлар маданияти ва адабиётининг шаклланишида ҳам асос бўлди. Буни муаллиф ўзбек адабиёти мисолида қайд этади. В. И. Ленининг ўтмишдаги икки миллий маданият ҳақидаги таълимоти асосида ўзбек классик адабиётидаги демократик ва социалистик элементлар олиниб, халқ мулкига айлантирилди ва бу маданий мерос ўзбек адабиётининг шаклланишида асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди. Китобнинг «Ленинча инъикос назарияси ва типиклик проблемаси», «Ленин назари билан» қисмлари адабий материал кўламининг кенглиги, тадқиқотнинг изчиллиги билан диққатга сазовордир. Бу қисмларнинг биринчиси назарий, иккинчиси адабий обзор характерига эгадир. Баъзи ёзувчиларимиз ижодида айрим муваффақиятсизликлар ва бадиий номукаммалликларнинг асосий сабаби қўлдаги материалини бадиий умумлаштиришда назарий билим ҳамда адабий малаканинг етишмаслигидир. Шу жиҳатдан қараганда Лазиз Қаюмовнинг типиклик проблемаси ҳақидаги назарий муҳокамаларининг илмий ва амалий қиммати янада ойдинлашади. Социал ва адабий тип моҳияти, типик шароит ва типик характерининг диалектик боғлиқлиги, типикликнинг мавзу, жанр, конфликт ва бадиий тилда намоён бўлиши хусусиятлари муфассал ёритилган.

Типиклаштириш умумлаштиришнинг санъат даражасига кўтарилишидир. Шу туфайли индивидуаллик бадиий ижоднинг ўлчов тошидир. Муаллиф индивидуаллик санъатининг ўзига хос бош хусусиятидир, деган ленинча таълимот асосида халқ ҳаётининг адабиётда ифодаланиш усуллари, муқаммал индивидуалликка эга бўлган типик характерлар яратиш жараёни ҳақида гапиради. Бу назарий муҳокамалар Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ўйғун, Иброҳим Раҳим ва бошқа ёзувчиларнинг муҳим асарлари таҳлили асосида чуқурлаштирилади ва тасдиқланади.

Муаллифнинг адабиётда ижобий ва салбий ҳодисаларни типиклаштириш хусусиятлари ҳақидаги назарий мулоҳазалари ҳозирги замон адабиётимиздаги сатира жанрининг ривожи учун айниқса фойдалидир. Жамиятимизнинг олға қараб ҳаракат қилишига ёрдам беришга даъват этилган сатира жанрида қўлқ суриб келаётган карахтликнинг сабаби — ҳаётдаги салбий ҳодисаларни ленинча бадиий ингъикос назарияси асосида идрок эта билмасликдан иборатдир. Сатирамизда ижтимоий мазмун салмоғи кўпгилардидек эмас. Ҳажвчиларимиз латифанамо воқеа ва ҳодисалар, айрим мешчанлик хислатлари тасвиридан нарига ўтолмаяптилар. Бундай асарларда «ижтимоий мазмундан маҳрум кулгибозлик сероб» деб тўғри таъкидлайди автор.

Адабиётимизнинг ривожланиш жараёни ҳақида гапирганда муаллиф жанрлар тараққиётига ҳам алоҳида эътибор қилади. Ҳар бир адабиётнинг муваффақияти биринчи навбатда унинг ғирик, етакчи жанрларида намоён бўлади. Замонавий « роман ижтимоий ҳаёт эпопеясидир. Жамият ҳаётидаги муҳим ижтимоий муаммолар, коммунизм қурилишида актив фаолият кўрсатаётган замондошларимизнинг ёркин образлари ҳозирги ўзбек романларида марказий ўрин тутади. Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», П. Қодировнинг «Кўрқ кўзлар», Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Асқад Муҳторнинг «Чинор», Иброҳим Раҳимнинг «Тинимсиз шаҳар», Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романлари ҳозирги замон ўзбек прозасининг ютуқлари сифатида ҳаққоний баҳоланади.

Китобда қисса, ҳикоя, очерк жанрларидаги ютуқ ва камчиликлар ҳам кўриб ўтилган.

Муаллиф адабий обзорда фақат ўзбек адабиёти фактлари билан чегараланиб қолмасдан, республикамиздаги рус ва қрим-татар адабиётининг муваффақиятларини ҳамд қайд этади. Обзорда маълум даврда яратилган асарларнинг қарийб ҳаммасини қамраб олиш, улардаги хилма-хил хусусиятларни муҳокамада қатнашиқ ўз қўймасдан аниқ, лўнда ифодалаш автордан катта меҳнат ва ижодий маҳорат талаб этади. Дарҳақиқат обзорда ҳеч бир муҳим адабий факт автор эътиборидан четда қолмаган. Шу билан бирга, ҳар бир асар ўзининг муносиб ҳаққонии баҳосини олган. Муваффақиятли кашф этилган бир муҳим илмий тезис баъзан бир йирик илмий тадқиқотга йўл очиши мумкин. Проблемаги тематик обзорда лўнда илмий тезислар ва чуқур ўйланган фикрлар фактларнинг қисқа таҳлили ва уларга берилган умумлаштирувчи баҳолар билан табиий уйғунлашиб кетади. Адабиётшунос услубига хос бўлган бу аниқ лаконизм ҳусусияти китобхонни адабиётимиз оқими ичига олиб киради, ҳар бир асарга қизиқиш уйғотади, энг муҳими мустақил, актив фикрлашга ундайди.

Китобда агар поэзия, драматургия жанрлари ҳақида махсус обзор мақолалар берилганда ўқувчининг шу даврдаги адабий манзарасини тўла тасаввур этишига ёрдам қиларди.

Ёзувчи ижодига муҳаббат ва самимий ғамхўрлик руҳи билан суғорилган мазкур асар ҳозирги адабиётшунослигимизга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Очил ТОҒАЕВ,
филология фанлари номзоди.

1). «Ёш гвардия» нашриёти, 1971 й., редактор М. Ҳайдаров.

ҒАЙРАТИЙ

ТАРАДДУД

Қиш нашъаси нечмакда, остонамизда
Шивирлаб турган каби баҳор мўралаб.
Зўр илинж билан водий ҳам хонамизда
Бизлар билан кезгандай юрар оралаб.
Оқ олтин ишқи сира бермагай ором,
Деҳқоннинг ҳам қалбида умид, тараддуд,
Зарбдорлик туйғуси дилларга илҳом,
Эрта-индин иш қайнар, техникаси илҳом,
Меҳнат куйин жаранглатиб баҳор келади,
Бахмал поёндозин тўшаб, етар қадами,
Дала. қирда ям-яшилик, борлиқ кулади,
Йилга баробар эрур кўклам ҳар дами.
Яшаш, ишлаш завқ-шавқи элда ҳукмрон,
Тупроқда зар ундириш катта орзу-аҳд.
Даламизда юксалажак тоғ каби хирмон,
Зотан, келур меҳнатдан бизга асл баҳт.

МУҚИМИЙНИНГ БОЙЛИГИ

Фақир шоир умри кечмиш ҳужраларда хор,
Хаттотлиги асқотгану гоҳ топган чаққ.
Замон жулдур чопон каби кўкрагига тор,
Хазинаси йўқдир унинг шеъридан бошқа.
Мағрур турган гўё кузги, ялангоч чинор.

Бугун қаранг, Муқимийнинг бойлиги чексиз,
Уз номида театр-у колхоз, кўча бор.
Театри нақшинкор-ки бир сарой — шаксиз,
Кассасида тангалари доим жарангдор,
Артисталар қўйлагини тилладан дейсиз.

Шаҳардаги қарорғоҳи театр бўлса —
Муқимийнинг боғи—колхоз, миллионер, ўктам.
Бир йил берган пахтасини чамалаб кўрса
Муқимийдек бадавлатлар топиларди кам.
Хон ғазнаси арзимасди чой пулига ҳам.

Муқимийнинг сурувидан чиққан қоракўл
Бир мамлакат аҳолиси учун зар ёқа.
Шойилари, ипаклари шундоқ гўзал, мўл,
Келинларнинг жамолидан нуқул нур ёғар,
Суту қаймоқ булоғидан яралди кўл.

Муқимийнинг хашаматли кўчасидан шод
Утар экан, мен шуларни ўйладим бирдан.
Пир-бадавлат устоз шоир кўтарганча қад
Турар эди рўпарамда салобат билан,
Муқимийни миллионер деб қилайми эзлон!

Шунда ногоҳ радиодан таралди қўшиқ,
Муқимийнинг ғазали бу — қовурди ўтда!
Шунда айтдим: бойлиқ бўлмас ғазалдан ортиқ,
Шу шеъринг бор, ҳақир бўлган пайтда ҳам ҳатто
Эй, Муқимий, сен бадавлат эдинг минг марта!

Юсуф ШОМАНСУР

ОХИРГИ САДОҚАТ

ҲАЖВИЯ

Ёзувчи Сами Абдуқаҳҳор ўзининг қатор очерклари, ҳажвий ҳикоялари, масал ва шеърлари билан кенг ўқувчилар оммасига яхши танишдир. Уз ҳажвий асарларида ҳаётимизда учраб турувчи айрим камчиликларни киноялри, ўткир сўзлар билан фош қилади. У бадиий таржима, кино соҳасида ҳам самарали ишламоқда.

Сами Абдуқаҳҳор 50 ёшга тўлди. Унга янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Бу идорага янги келганман. Ҳамкасбларим билан тез орада танишиб олдим. Ҳар бирининг ўз фазилати, эзгу ҳислати бор экан. Бири ҳаддан зиёд камтарин, бири ўта одамохун, яна бири ишчан. Буларнинг ичида Салим ака деганлари нимаси билан бошқалардан ажралиб турарди. Нимаси билан дейсизми? Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай, балки ўзингиз ҳам тушуниб оларсиз...

...Эрталаб одатдагидай ишга боргани уйдан чиқдим. Кўча эшигим ёнида Салим ака турарди. Мен ўзимча: «Бирон иш билан уйимга келгану, ичкари киргани ийманиб, чиқишимни пойлаб турибди» деб ўйлаб, кўришдим. «Салом-алик» бўлгач, ичкарига таклиф этдим. Йўқ, у ичкари киришга унамади. Мен: «бунисн қандоқ бўлди, келишга келса-ю ичкари кирмаса?» деб андиша қилиб турган эдим, шу чоқ идорамизнинг машинаси эшигим ёнига келиб тўхтади. Дарҳол ўзимни койиндим: «Эй, каллаварам, шу оддий гапга ҳам ақлинг етмабди-да! Салим ака: «Ишга машинасида бирга кетаман!» деб келган. Ана, машина келди.

Ҳаёлимга келган шу ўйлардан ҳулоса чиқариб, Салим акани дарҳол машинага таклиф этдим. Буни қарангки, Салим ака машинага чиқишга ҳам кўнмади.

— Йўқ, узр, ўзлари жўнайверсинлар. Мен... халиги...

Мен паришонхаёл, бу жумбоқ одамнинг уйимга нимага келдию, нимага на ичкари кирмай, на машинага чиқмай, орқасига бурилиб кетгани сабабини билолмай гаранг эдим. Кўз олдимда ўзимнинг биринчи ишга келган куним гавдаланди: ҳамма билан бўлимларга кириб танишдим. Гаплашдим. Лекин шу куни Салим акани кўрмадим.

Эртаси эрталаб кабинетимга ана шу Салим ака кириб келди. «Кеча бетоб бўлиб идорага келолмагани, мен билан ҳамма қатори таниша олмаганидан афсусланганини айтиб, ёнимга келди, кифтимга қўлларини қўйди. Ноилож ўрнимдан турдим. У мени қучоғига босди, овози ўзгарди:

-- Хўжайин, кечирасиз, бизга энди оталик қиласиз, билмаганимизни билдириб, устоз бўласиз, ҳаммамизни йўлга соласиз!

Мен жуда ҳижолат чекдим. Отам десам каму, бувам тенги келадиган одам невараси қатори бир йигитга «отамсиз, устоз, йўлга соласиз..» дейиши жуда-жуда эриш туюлди. «Шу гаплари ростми, самимийми, юрагидан чиқяптими?» деб афтига тикилдим. Ҳа, ростга ўхшади. Энг муҳими, кўзларида мўлт-мўлт ёш қалқиб турарди...

— Эй Салим ака, бу гапларни қўйинг, — дедим оҳиста ҳам хижолатдан, ҳам унинг қучоғидан чиқмоқчи бўлиб — бу гапларни қўйинг, ҳаммамиз бирга ишлайверамиз...

Бир неча кунгача Салим акани кўрганда ўзимдан-ўзим ялиб юрдим. Ҳозир ҳам машинада унинг тўғрисида ўйлаб борарканман, шофер йигит Маҳмудбекдан сўрадим.

— Маҳмудбек, сиз бу идорада кўпдан бери ишлайсизми?

— Ҳа, беш-олти йил бўлиб қолди. Нима эди?

— Йўқ, ўзим. Шунчаки...

Маҳмуд сўзимга ишонқирамади шекилли, орқасига бир қараб олдию, яна индамай кетаверди. Биз хийла жим кетгач, яна гап қотдим:

— Сиз... ҳалиги... Салим акани яхши биласизми?

Шофер йигит ғалати бир илжайди. Унинг бу ҳолатидан у Салим акани яхши биладими ё билмайдими — ажрата олмадим. Маҳмудбек бошини саракасарак қилди, кейин мен томон сал ўгирилиб:

— Янги ишга келганингизда сиз билан йиғлаб кўришдими? — деб сўраб қолди.

— Хм... ҳа... — дея олдим мен.

— «Хўжайин, энди бизга оталик қиласиз, билмаганимизни билдириб, устоз бўласиз, ҳаммамизни йўлга соласиз!» дедими?!

Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Худди ашаддий сирим фош бўлиб кетгандай, шофер йигитга нима деб жавоб қилишни ҳам билмай қолдим. Маҳмудбек бепарво машинасини «учириб» бораркан, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай сўзида оҳиста давом этди:

— Салим ака бизнинг идорамизда уч-тўрт бошлиқни кўрди. У ҳар бир бошлиқ ишга янги тайинланганда худди ана шундай йиғлаб кўришади, устоз, отам деб таниша.ди. Аллакачонлар пенсияга чиқиш керак эди. Чамалаб қараса, пенсияда оладигани ҳозир бекор ўтириб олаётган пулининг ярмига ҳам бормас экан... Шунинг учун бошлиқларнинг пинжига кириб, «отанг яхши... онанг яхши» деб жон сақлаб юрибди...

— Олдинги бошлиқларнинг биронтаси...

Мен Маҳмудбекдан «наҳот олдинги бошлиқлардан биронтаси унга индамаган шу ҳолни кўра-била туриб, таъзирини бермаган?» деб сўрамоқчи эдим. Лекин, саволим охирига етмай, Маҳмудбек меҳни тез, ақли расо йигитлардан эмасми, дарҳол гапни илиб кетди:

— Олдинги бошлиқларнинг деярли ҳар бири у билан тўқнашган, уришган, чора кўрган, ҳатто, сиздан олдинги бошлиқ — Миргиёс ака уни кабинетидан ҳайдаб чиқарган!

— Сабаб?

— Сабаби, Салим аканинг яна бир ёмон одати бор. Олдинги бошлиқни кейин келган бошлиққа ўлардай ёмонлайди. Ҳали сизнинг олдингизга кириб, Миргиёс аканр ёмонлаганн йўқми?

— Йўқ, ҳали кирганича йўқ.

— Бўлмаса кираги, албатта кираги!

— Ҳали сиз, уни кабинетдан ҳайдаб чиқарилганини айтдингиз-у, сабабини...

— Сабаби, Салим ака билибми, билмайми, ё атайин қиладими, бировнинг гапини иккинчи одамга ҳаммасини эмас, ярмини айтади. Шундай қилиб, у Миргиёс акани план бўлими бошлиғи билан уриштириб қўйган эди!

— Товба, бундан нима фойда унга?

Маҳмудбек: «Мунча содда одам экан» дегандай истеҳзоли кулиб қўйди:

— Бошлиқнинг кўзига яхши кўриниш учун план бўлими мудирини ёмонлайди, план бўлими мудирига «ўзини одами бўлиб кўриниш учун» бошлиқни ёмонлайди-да!..

Мен шундай хаёл, ғалати савол-жавоб, шофер йигитнинг мулоҳазалари билан машинамиз идорага қандай етиб келганини сезмай қолдим. Кўзим узоқдан идора эшиги ёнида қўл қовуштириб турган Салим акага тушдию, ичимда бир нима узилиб кетгандай бўлди...

— Менга қаранг, анави идорамиз эшиги тагида турган Салим аками?

— Ҳа, Салим ака! Ҳали уйдан чиққанингизда кўришиб, жўнатган эди, энди идора эшиги тагида қутиб оляпти! Бундан ажабланманг! Унинг одати шу! Сизга шу билан ўзининг садоқатини кўрсатяпти!

— Бўлмаса, мен ҳам унга ўз садоқатимни кўрсатаман, — дедим қатъият билан. — Уни мен кабинетимга турли фисқу-фужур гаплар билан киришини кутиб ўтирмай, шу ерданоқ идора эшиги тагида думини тутиб юбораман! Ахир, ўзи оталик қилинг, устоз бўлинг, йўлга солинг, деб илтимос қилган эди-ку!

Ҳа, унинг илтимосини бажарадиган фурсат етган эди!..

КУМУШ ҚИШ

Борлиқ оппоқ, оппоқ қор,
Гўё момиқ тўшалган.
Қишнинг ажиб завқи бор,
Илож йўқдир бермай тан.
Ана, қаранг, кор ёғар;
Паға-паға лайлак қор,
Гоҳ капалак, гоҳи пар.
Гоҳ оқ каптар, беғубор.
Қандай создир учиш,
Қанот қоқиб лол этар.
Ерни суйиб қучиш
Дилларни хушҳол этар.
Ҳа, кумуш қиш нуч тўплар,
Ундан унар гулбаҳор.
Ёз кулади, либос—зар.
Кузда пахта гашти бор.
Борлиқ оппоқ, оппоқ қор,
Гўё момиқ тўшалган,
Қишнинг ажиб завқи бор,
Илож йўқдир бермай тан.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

ЎЗБЕК РАҚҚОСАСИ

ТОШКЕНТНИНГ БИР КОРХОНАСИ КЛУБИДА ЎЗБЕК РАҚСИНИ ТОМОША ҚИЛИБ

Май байрами нечаси.
Куй, кулгига тўла зал,
Нафис, рангин шуълалар ичра товланар гўзал.
Доираниг товуши келар гўё йироқдан—
Гўё Фарҳод тешаси тошни ушатар тоғдан.
Қандиллардан ёғилар афсонавий, майин нур,
Чаман кўксидан гўё хушбўй ислар таралур...
Созлнда янги куйни жаранглатди дафъатан,
Саҳнага сузиб кирди раққосайи сийм тан.
Дилбаринг ҳислар тўла вужуди кўзасидан
Юзлаб кўз қадаҳ бўлиб, ичарди бўзасидан.
Қўлларин силкиниши — гул шохидай дилрабо,
Атир гул резаларин сочгачдай бодн сабо.
У май тўла шишаким, эҳтиросга лиммо-лим,
Кайфдан айланиб бошим, мастдир нигоҳу дилим.
Гоҳ қад ростлаб, гоҳида эгиларкан ногиҳон,
Аввал ёй ўқи бўлиб, сўнгра бўлади камон,
Нақ ергача тўлғанган бошидаги икки соч,
Икки аждар мисоли дил мулкин этар тарож.
Бу манзара қошида ўтирардим беҳуш, лол,
Бу сирдан огоҳ этди ёнимдаги бир аёл.
— Биласизми, бу гўзал кўркам жувон ким ўзи?
У бизнинг корхонанинг ном чиқарган юлдузи.
Уч болага онадир, уч фарзанди — тан,жони,
Кўксида порлар Меҳнат Қизил Байроқ нишони.
Нечун ўзи ёш дея сўрарсиз ҳам, эҳтимол,
Меҳнат унга бахш этган гўзаллиги, ёшлик, иқбол.
Санъатдадур, билсангиз, сўнмас ёшлигин сеҳри,
Шу санъат-ла йўғрилган унинг онолик меҳри.
Бу гапни эшитдиму, ортди ҳурматим яна,
Ҳавас тўла кўзларим қиларди завқ, тантана.

Ж. ЖАББОРОВ таржимаси.

БОЛТА БИЛАН КЕТМОН

МАСАЛ

Кеч кириб даладан қайтганда Кетмон,
Кенг ҳовлида Болта ёрарди тўнка.
Улар саломлашиб, сарой киришгач,
Иккиси дардлашди, қилишди ўпка:
— Биласанми, ошна, — сўз қотди Болта, —
Ўлардай чарчадим, билмайман тиним.
Гарчанд бўлса ҳамки жоним темирдан,
Дам олай дейман-да, тўғрими, инним?
Каллайи саҳарлаб ишим бошланар:
Талай ўтин ёриб, кесаман дарахт.
Бир нафас хордиқ йўқ, қурийди тинкам,
Бетинним ишлагач бўламан карахт...
— Менда ҳам ахвол шу! — Сўз қўшди Кетмон, —
Кун тигида ишлаш тушган бошимга.
Битмайди бирон иш далада менсиз,
Узим ҳам хайронман ўз бардошимга!..
Ҳали жуда тўғри айтдинг, Болтабой,
Жонимиз темирдан бўлган чоқда ҳам.
Юмуш еб ташларкан, ўлиб бўлдик-ку,
Биз ҳам энди жиндан олайлик-да дам...
Саройда қолишди эски икки дўст,
Кетмон чопилмади, мана ёз келди.
Ҳеч ким ўтин ёрмас, Болтабой бекор,
Бетутун, беминнат уйга газ келди...
Шу нўйи ётдилар саройдан жилмай,
Болта билан Кетмон — билмадим қанча?
Ойлар ўтди, Бироқ, ҳеч ким тегмади,
Улар ётди узоқ шу ётганича...

Х Х Х

Бир кун қарашса — занглаб кетибди,
Таниб бўлмас эди улар юзини!
Ҳар ким ҳам тушади шу ҳолга албат,
Меҳнатга урмаса одам ўзини!..

Адабиёт ВА САНЪАТ САҲИФАСИ

Жаҳон жамоатчилиги АҚШ маъмурияти ва Пентагонининг Ҳинди-Хитойдаги ёвузлигидан чексиз ғазабланмоқда. Улардан агрессив урушга чек қўйишни талаб қилмоқда. Шунга қарамай, Америка қўғунлари Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишда давом этмоқда. Суратда: бомба парчаси тегиб, кўлидан яраланган 14 ойлик Куанг Бинь исмли қизча. Бомбардимон пайтида у отаонасидан ҳам ажралди.

ВИА—ТАСС фотоси.

ФАКТЛАР ФОШ ЭТАДИ

Англия солдатларининг ваҳшийлиги оқибатида Шимолий Ирландиянинг Лондондерри шаҳрида ўнлаб кишилар ўлдирилди ва ярадор қилинди. Ҳокимият тепасига чиққандан буён Ольстерни тиз чўктиришга уринаётган консерваторлар ҳукумати олиб бораётган сиёсат туфайли бу ердаги ҳунрезлик ҳамон давом этмоқда. Суратда: англиялик жазо отряди навбатдаги тинтувни ўтказмоқда.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.10 — ТОШКЕНТ. 9.15 — «Юлдузча», 10.00 — «Янгра, барабан!» 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар, 11.15 — «Будильник», 11.45 — «Здоровье», 12.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 13.15 — ЛЕНИНГРАД КЎРСАТАДИ, 15.30 — **Тўрт танчи ва ит** (бадиий фильм 12-серияси), 16.30 — **Киносаёҳатчилар клуби**, 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.35 — Мультфильм, 17.45 — Ахборот, 18.00 — «Заманда с», 18.50 — Адабий портрет. **Сами Абдуқаҳҳор**, 19.40 — Ахборот, 20.00 — **Марҳабо, талантлар!** 22.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.30 — МОСКВА. 18.25 — Янгиликлар, 18.30 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув, 19.00 — Халқ телевизиои университети, 20.00 — Томошабинлар ғалабига мувофиқ концерт, 20.55 — Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/II да **Беҳуда эҳтиёткорлик** (кундузи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/II да **Афсона яратган қиз** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/II да **Хотинимнинг эри** (кундузи), **Ярим тундаги ўғирлик** (кечқурун). 21/II да **Менинг жанатим.**

КИНО

Катта сайр (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тош устида тош — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 11, 1 ва кеч 7 да).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Балиқлар қалқиб чиққан кун — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Қочиш (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

25-намерадаги қиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Прокурор ўғли — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Эр-хотиннинг урриши — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 ва кеч 8.45 минутда).

Етти иқлим нарида — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, кеч 8 ва 9.45 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қора холли оқиш — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да).

Антика ҳангомалар — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Фронтдан қайтган солдат — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

тупроқ протистологияси лабораториясига тупроқ протистологияси мутахассислиги бўйича катта илмий ходим (фан кандидати);

микробиопрепаратлар экспериментал лабораториясига катта илмий ходим;

антибиотикларни химиявий тозалаш мутахассислиги бўйича (химия) кичик илмий ходим.

Конкурс муддати — 9 марта гача.

Ҳужжатлар: Тошкент шаҳар, ГСП, Академгородокка юборилсин.

Планетамизда

КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 февраль. (ТАСС). Америка меҳнаткашларининг революцион марксчи-ленинчи авангарди — Қўшма Штатлар Коммунистик партиясининг навбатдаги XX миллий съезди бугун Нью-Йоркда ўз ишини бошлади.

Съезд ишида кўп минг кишилик Америка коммунистларининг 200 дан ортиқ вакили қатнашмоқда. Съезд 4 кун давом этади. У Компартиянинг бош секретари Гэс Холлнинг, миллий раиси Генри Уистоннинг ва партиянинг ташкилий масалалар билан шуғулануви секретари Даниэл Рубининг докладларини муҳокама килади.

Коммунистик партия миллий комитети тайёрлаган «АҚШ Коммунистик партиясининг XX миллий съездга тезислари» мажлислардаги муносабаза учун асос бўлади. Бу тезислар маҳаллий партия ташкилотларида съезд арафасида батафсил муҳокама килинди. Съезд делегатлари ташқи ва ички сиёсатга доир актуал масалаларни, Америка меҳнаткашларининг манфаатлари учун курашни давом эттириш ва активлаштириш йўлларини, шунингдек бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қиладилар.

БУЮК МАДАД

ПАРИЖ, 18 февраль. ТАСС мухбири О. Широков хабар беради: Кеча Парижда ўтказилган матбуот конференцияси Бангладеш халқининг миллий озодлик курашига, ёш республиканинг уруш вайрон килган халқ хўжалигини қайта тиклаш йўлида Бангладеш халқи фидокорона меҳнат килаётганлигига бағишланди.

Хинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва мустакиллиги учун курашга бағишланиб Версалда ўтказилган жахон ассамблеясида қатнашган Бангладеш Халқ Республикаси делегациясининг хозир Парижда турган бошлиғи доктор Али Сарвар француз ва чет эл журналистлари олдида гапириб, бундай деди:

Покистон маъмурлари мамлакатим халкини ўн йиллар давомида қийнаб келдилар. 1971 йилда Покистон маъмурлари миллий озодлик ҳаракатини конга ботиришга уриниб кўрдилар. Уларнинг террори натижасида 3 миллион киши ўлдирилди. 10 миллион нафардан кўпрок киши панох излаб Хиндистон территориясига кочиб ўтди.

Доктор Али Сарвар уктириб айтдики, Бангладеш мустақиллиги учун курашиб келган ватанпарварлар кенг халқаро жамоатчилик бераётган мададни, айниксса социалистик давлатлар, биринчи галда Совет Иттифоқи дўстона маънавий ва сиёсий мадад бераётганлигини ҳар доим сезиб турдилар. Доктор Али Сарвар буюк совет халкидан Бангладеш халқи қизғин миннатдор эканлигини айтди. Али Сарвар АҚШ 7-флотининг кемаларини Бенгалия қўлтиғига юборган Америка ҳукуматини танқид килиб, Хитой Халқ Республикаси ҳукуматя ҳам ҳақиқатда Америка империалистлари билан тамомила келишиб ҳаракат килганлигини айтди. Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати Покистонга сиёсий мадад беришдан қолмасдан, харбий ёрдам ҳам бериб турди. У бизнинг мустакиллик учун олиб бораётган курашимизни конга ботиришга интилаётган Покистон армиясини куроллантирди. Яна бунинг устига Хитой Халқ Республикасининг пропагандаси миллий озодлик ҳаракатимизнинг мақсади ва вазифаларини бузиб кўрсатишга уринди.

Бироқ, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан иттифоқ бўлиб ҳаракат килган Америка империалистларининг кирдикорлари тамомила барбод бўлди, деди доктор Али Сарвар. Халқимизнинг забардастлиги туфайли бизнинг миллий озодлик ҳаракатимизни қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифокининг, социалистик мамлакатларнинг, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг дўстона қатъий позицияси туфайли ечиб чиқдик.

Эндиликда Бангладеш Халқ Республикаси уруш вақтида вайрон қилинган халқ хўжалигини тиклаш йўлида катта ишлар олиб бормоқда. Ташки сиёсат соҳасида мамлакатимиз ҳукумати суверенитет ва мустакилликни ҳурматлаш асосида барча мамлакатлар билан яхши муносабатларда бўлиш сиёсатини ўтказишни ният қилиб турибди.

Ёш Бангладеш республикаси, — деди пировардида доктор Али Сарвар, — ўзи килаётган бунёдкорлик ишида дўстона ёрдам ва мададга муҳтож, шунингдек, у мустақиллик учун олиб бораётган курашда ҳам мана шундай мададнинг зарурлигини илгари ҳам ўз тажрибасида кўрган эди.

ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ ЖАНГЛАР

Лаос халқ озодлик армиясининг жангчилари шу қуруқ мавсумнинг дастлабки уч ойи мобайнида Сиенкуанг вилоятида катта-катта жанговар муваффақиятларга эришдилар.

Каосан Патет Лао агентлигининг маълумотларига кўра, Лаос ватанпарварлари ноябрдан февралгача шу райондаҳ душманнинг 5300 нафардан ошиқ солдатини, шу жумладан таиландлик ёлланган аскарлардан 2500 кишини сафдан чиқардилар. Жанглар чоғида душман ўзининг 38 та самолёти ва вертолётидан, 35 та харбий машинаси ва 2,5 мингтадан энёд турли қурол-аслаҳаларидан, шу жумладан оғир тўпларидан ва миномётларидан маҳрум бўлди.

Ватанпарварларнинг зарбалари остида генерал Ванг Паонинг «Махсус кучлари» мустаҳкамланган 5 та пунктни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Жанубий Лаосда халк озодлик армиясининг жангчилари январнинг сўнгги 11 куни мобайнида душманнинг 57 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Панседдан шарқдаги жанглар натижасида ўнг кучлар қўшинлари чекиниб, мустаҳкамланган икки пунктни қолдириб кетди.

Кхмер ватанпарварлари Камбоджа пойтахти остоналарида душманга ҳужум қилмоқда. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Пномпендан маълум қилишича, Меконг дарёсининг ғарбий соҳилидаги Пномпень қўшинларининг позициялари тўпга тутилган.

КИПР ХАВФ ОСТИДА

ПАРИЖ. Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотида бундай дейилади: «Кипр республикаси хавф остида Кейнинги кунларда воқеалар Кипрнинг қонуний ҳукуматини агдариб ташлаш мақсадида ҳозирги вақтда тўнтариш тайёрланаётганлигини кўрсатиб турибди». «Ҳақиқат овози» радиоси эълон қилган мана шу баёнотда айтилишича, Грециядаги хунта офицерлари, шунингдек генерал Гривас рахбарлик қилаётган фитначиларнинг қуролли группалари бу фитнани амалга оширишда катта роль ўйнайди, деб планлаштириб қўйилган. Бу тўнтариш НАТОнинг ўзига маъқул бўлган қарорни Кипрга зўрлаб қабул қилдиришга қаратилган планини амалга оширишдаги биринчи босқич бўлади.

Греция хунтасининг Кипр президенти Макариоса сурбетлик билан йўллаган ультиматуми, дейилади баёнотда, Кипрга қарши фитна тайёрланаётганлигининг исботловчи далил бўлди. Тайёрланаётган бу фитна Ўрта ер денгизининг шарқида ўзининг стратегик ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган АҚШ зўр бериб қилаётган ҳаракатларининг бир қисмидир. АҚШ ўзининг шу мақсадини амалга оширмоқ учун социалистик давлатларга ва араб мамлакатларига қарши қарбий авантюралар қилиш базаси тариқасида Греция ва Кипрдан фойдаланишга интилмоқда. Америка 6-флоти учун Греция территориясида доимий базалар куриш тўғрисида хунтанинг АҚШ билан тузган битими ҳам Қўшма Штатларнинг мана шу доимий ҳаракати билан алоқадордир.

Кипрнинг халқ ватанпарвар кучлари бирлашиб, дейилади Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотида, империалистларнинг планларини барбод қилишга қодирдирлар. Совет Иттифоқи, жаҳондаги барча антиимпериалистик тинчликсевар кучлар Кипрнинг суверенитети ва мустакиллигини қўллаб-қувватламоқдалар.

Сан-Хоседа Анжела Дэвис устидан суд бошланган пайтда суд биноси олдида меҳнаткашларнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар Анжела Дэвисни гаров эвазига озод қилишни ва судни бошка шаҳарга кўчиришни талаб этдилар. Намойишчилардан 18 киши, шу жумладан Анжела Дэвиснинг синглиси Фания Жордан ҳам қамоққа олинди. Суратда: Фания Жордан намойиш пайтида.

ТАСС фотохроникаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТАНИШ БАШАРА

Франциялик студент Жан Лувье саёҳатини давом эттирипти. У ягона мақсад — ўз суратига ўхшайдими, йўқми эканини аниқлаш учун сафарга чиққан. Гап шундаки, унинг паспортига энг севимли итининг сурати ёпиштирилган. Жан беш давлат чегарасини кесиб ўтди, лекин уни ҳеч ким безовта қилмади. Лекин Швейцариядаги таможний ходимларидан бири: «эҳ, бу пахмоқ соч ёшлар» деб қўйди.

ПТОЛЕМЕЙЧАСИГА... ТЕАТР

Жаҳоннинг кўпгина театрларида томошабинлар бир жойда ўтиришади, саҳна эса айланади. Бундай ҳолларда саҳна хизматчиларига елиб-югуришга, янги кўриниш декорацияларини тайёрлашга тўғри келади. Томошо залини айлантирса бўлмасмикан, деб ўйлаб қолишди финляндиялик архитекторлар. Кейин Тампере шаҳрида шундай театр қуришди. Энди томошабинлар зал билан бирга айланиб, аввалдан тайёрланган декорацияларни ва унда ижро этилаётган спектаклни бемалол кўраверадилар.

ЯНГЛИШУВ

Цюрих — Брюссель пассажир поезди ғизиллаб борарди. Йўловчилар билетини текшириб чиққан контролер уларга кейинги станцияда тушишни буюрди. Янглишиб бошқа поездга чиқибсизлар, деди у. Поезд навбатдаги станцияда тўхтагач, йўловчилар тушиб қолишди. Перрон одамга тўлиб, шовқин-сурон кўтарилди. Ана шунда йўловчилар эмас, балки контролер адашиб бошқа поездга чиқиб қолгани маълум бўлди.

ЧЕКИШНИНГ БАҲОСИ

Иш ҳақига қўшимча мукофот бериш жуда ажойиб иш-да. Айниқса, у чекишни ташлаш эвазига бўлса... Японядаги «Йошокэ когие» фирмаси ўзининг чекмайдиган ҳар бир ходимига ойига қўшимча равишда 10 доллардан ҳақ тўлайди. Лекин, сиз фирма ўз ишчиларининг саломатлиги тўғрисида қайғураётган экан, деб ўйламанг. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, фирма ҳар ойда чекиш пайтида 1000 минут йўқотаркан. Фирма хўжайини чекмаслик учун берилган мукофот анча арзонга тушади, деган қарорга келиб, чекмайдиган ходимларга 10 доллардан қўшиб берадиган бўлди.

ИШСИЗЛИК КЎПАЙМОҚДА

БОННН. (ТАСС). Германия Федератив Республикасида ишсизлик кўпайиб бормоқда. Фақат январь ойининг ўзидагина рўйхатга олинган ишсизлар 105.800 нафар кўпайиб, 375.600 кишига етди. Хозирги вақтда Ғарбий Германияда рўйхатга олинган ишсизлар бултур январь ойидагига караганда 89.400 нафар кўп.

Расмий хабарларда айтилишича, саноатнинг бирқанча етакчи тармоқларида «конюктура ёмонлашганлиги» сабабли федератив республикада ишсизлар кўпайиб кетмоқда. Бироқ қузатувчиларнинг айтишига қараганда, ҳақиқатда, аввало, халқаро валюта-молия кризисининг оқибатлари ва ўз жойларидан бу кризис оқибатларини механткашлар устига юклашга уринаётганлиги ишсизликнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ЧИМЁН ГАВЖУМ

Бу йил ўлкамизда қиш ўзгача — файзли, момиқ қор билан қолланиб серманзара бўлди. Айниқса, Тошкент областининг Чимён тоғи этакларги ёшларимизнинг севимли манзилгоҳига айланди. Бу ерга ҳар дам олиш кунлари пойтахтлик спорт иҳлосмандлари келиб туришибди. Уларнинг яйраб хордиқ чиқаришлари учун шароитлар муҳайё. Баландликка осонгина элтувчи сим арқон йўли ишлаб турибди.

Қалин қор кўрпасига бурканган Чимён бағри ёшлар билан гавжумлашди. Кеча бу ерда ўзига хос мусобақа — аёзбобо билан хайрлашувга бағишланган ўйинлар бошланди. Спортнинг қишки турини ёқтирган йигит-қизлар ўзаро куч синашмоқдалар.

Катта программали бундай мусобақа ташаббускори Тошкент шаҳар комсомол комитети бўлди. Кўзда тутилган программа бўйича спортчилар чанғи учиш, баландликдан чанада учиш каби қизғин ўйинларда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ҳамда Тошкент шаҳар комсомол комитети совғини учун беллашиб, ўзаро куч синашадилар. Шунингдек, мусобақаларни томоша қилишга келган мухлислар учун ҳан чанғи ва чаналарда оммавий учишлар имконияти яратилган.

Чимёнга бориб чанғи учиш ёки қизғин мусобақаларни томоша қилишга муяссар бўлмаганлари неча ва бугун шаҳар истироҳат боғлари чорлади. Боғларда шаҳарлик мактаб ўқувчиларининг эстафета мусобақалари, пойга ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, Тошкентдаги ёш фигурачилар мактаби талабаларининг чиқишлари ҳам бўлади.

Февраль — қиш фаслининг сўнгги ойи. Яна бир неча кунлардан кейин ҳаво исиб, баҳордан даран беради. Қиш сеғи — момиқ қор эриб тугамасдан бундай оммавий мусобақани ўтказишимиз мухлислардр катта қизиқиш уйғатаётгани ҳам шундан. Қиш билан хайрлашувга бағишланган бу мусобака энди ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб турилади.

Виктор КАН,
Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети спорт ва оммавий мудофаа ишлари бўлими мудирининг ўринбосари.

Самарқанд троллейбуслари

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ мухбири). Бу ерда бешинчи троллейбус йўлини куришга киришилди. 11 километрлик маршрут Тошкент, Титор, Ҳавас кўчаларидан ўтиб шаҳар марказини янги микрорайонлар билан туташтиради.

Беш йиллик охиригача Самарқандда жами узунлиги 19 километр бўлган иккита троллейбус йўли ўтказилади. Троллейбуслар янги саноат зонасидан шаҳар марказига қатнай бошлайди. Ҳозир бу янги зона шаҳарнинг ғарбий чеккасида қурилмоқда. Шаҳар электр транспортини ривожлантириш планига кўра, янги троллейбус парки барпо этилади, трамвай поездлари янгиланади.

КИНО ЯНГИЛИКЛАРИ

Мингта маройқли учрашув

Жамбул область Кўктерак овулининг механиги, СССР кинематография аълочиси Илья Ким беш йиллик бошлангандан бери мингта кино сеанс ўтказди.

Овул аҳолиси кинога шаҳарликлардан кўра кўпроқ бормоқда. Бунда картиналарни тарғиб қилишни яхши уюштирган ташаббускор киномеханикнинг хизмати катта. У мактаб ўқувчилари учун ҳар ҳафтада уч марта фильмлар кўрсатади, сеанслар бошланишидан аввал педагоглар суҳбат ўтказишади.

И. Ким СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб катта программа тайёрлади. Бу программага мамлакатнинг турли студияларида яратилган фильмлар киритилди.

«Шоҳнома» экранда

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони экранда гавдалантирилди. «Тожикфильм» студиясида шу асар асосида «Рустами достон» деган бадиий фильм экранлаштирилди. Афсонавий баходир Рустамнинг қаҳрамонлигини, унинг соҳибжамол Тахминага бўлган муҳаббатини тасвирловчи боблар фильмга асос қилиб олинди.

Режиссер Б. Кимёгаровнинг бу янги иши тожик адабиёти классигининг ўлмас ижодидан фойдаланиб, яратган бундан аввалги «Темирчи байроғи» фильмининг ўзига хос давоми бўлади.

Картинада Б. Ватаев, С. Норбоева, М. Боҳидов ва бошқа таниқли артистлар асосий ролларни ижро этишган. Музикасини Озарбайжон композитори А. Меликов ёзган.

(ТАСС).

Самарқанд областининг ОҚТОШ ШАҲРИДА «ДУСТЛИК» кинотеатри биносида 1, 2 МАРТДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БЎЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Тираж эрталаб соат 10 да бошланади.
Кириш бепул.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура—337162. Эълонлар—338112. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258.
ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.

Б. — 43. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01225.